


## Болалар орасида адолат қилиш



17:00 / 05.07.2022 4272

Болалар орасида адолат қилиш ҳам ота-онанинг вазифаси ва болаларнинг ҳаққидир.

Ислом адолат динидир. У доимо барча нарсада, барча ерда, барча учун адолат бўлишининг тарафдоридир. Айниқса, ёш болалар учун. Шунинг учун ҳам ота-оналардан болалари орасида адолатли бўлишлари талаб қилинган. Бу болаларнинг тарбиясига ҳам, шахсиятига ҳам катта таъсир кўрсатади.

*Нуъмон ибн Башир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Отам мени кўтариб, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига олиб бордилар ва:**

**«Эй Аллоҳнинг Расули, гувоҳ бўлинг, мен Нуъмонга ўз молимдан буни, буни бердим», деди.**

**«Ҳамма ўғилларингга шунга ўхшаш бердингми?» дедилар у зот.**

**«Йўқ», деди.**

**«Бунга мендан бошқани гувоҳ қил, - дедилар ва сўнгра: - Уларнинг барчаси сенга бирдек яхшилик қилиши сени хурсанд қиладими?»**

**дедилар.**

**«Ҳа», деди.**

**«Ундай бўлса, йўқ (гувоҳ бўлмаيمان)!» дедилар».**

*Бошқа бир ривоятда:*

**«Аллоҳга тақво қилинлар ва фарзандларингиз орасида адолатли бўлинлар», дейилган.**

*Бешовлари ривоят қилишган.*

Ушбу ҳадисга биноан, мусулмон инсон молиявий масалаларда ўз фарзандларининг барчасини баробар кўриши керак бўлади. Агар тенг имкониятли фарзандларнинг бирига мол бериб, бошқасига бермаса ёки бирига оз, иккинчисига кўп берса, адолатсизлик бўлади. Болалари орасида ҳиқду ҳасад, фитна кучаяди.

Агар шаръий сабаб бўлса, ота-она ўз болаларидан бирига кўпроқ, бошқасига озроқ мол берса бўлади.

Мисол учун, бири бемор, иккинчиси соғ, бири камбағал, иккинчиси бой, бирининг болалари кўп, иккинчисиники оз ва ҳоказо.

*Иброҳимдан ривоят қилинади:*

**«Одамлар болалари орасида, ҳатто ўпишда бўлса ҳам, адолат қилишни яхши кўрар эдилар».**

*Ҳусайн Марвазий ривоят қилган.*

Адолатсизлик бўлиб қолмасин, биттасини кўпроқ ёки яхшироқ ўпиб қўйиб, иккинчисининг кўнгли синмасин, деган маънода ота-оналар болаларига ниҳоятда эҳтиёткорлик билан муомала қилар эдилар.

Саҳобалар ва тобеъинларнинг одатлари шундай бўлган экан. Болаларга нисбатан адолатли, ҳаммаларига бир хил муносабатда бўлиш, ҳаммаларини бир хил кўриш зарурлигини яхши англаган мусулмонларнинг дастлабки авлодлари ҳаттоки болаларини ўпишда ҳам адолат бўлиши учун ҳаракат қилишар экан.

*Ҳасандан ривоят қилинади:*

**«Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан ўтирган эди. Унинг бир ўғли келди ва у уни ўнг сонига ўтирғизди. Кейин бошқа ўғли ёки қизи келди, уни ерга ўтирғизди.**

**Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Икковига тенг муомала қилганигда эди», дедилар.**

**У унисини ҳам сонига ўтирғизди».**

*Ҳусайн Марвазий ривоят қилган.*

Болаларнинг муомаласидаги адолат қанчалик бўлиши кераклиги ушбу ривоятда очиқ кўриниб турибди.

Болаларидан бирини қучоғига олиб, бошқасини ерга ўтирғизиш адолат бузилганининг аломати эканидан, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам отага насиҳат қилдилар. Саҳобий розияллоҳу анҳу дарҳол ана шу амрни бажо келтириб, иккинчи болани ҳам қучоғига олди.

Ушбу ҳақиқатларни ҳам жуда яхши англаб олишимиз керак. Болаларимизга қиладиган катта-кичик муомалаларимизда адолатли бўлишимиз, ҳаттоки уларни ўпиш ёки қучоғимизга олишда ҳам бу ҳақиқатни унутмаслигимиз лозим.

*Абдулазиз ибн Умар ибн Абдулазиздан ривоят қилинади:*

**«Умар ибн Абдулазизнинг Каъб қабиласилик хотинидан ўғли бор эди. У ўша ўғлини яхши кўрар ва ўзи билан бирга уйда олиб ётар эди. Бир кеча унинг олдига бордим.**

**«Абдулазизмисан?» деди у.**

**«Ҳа», дедим.**

**«Сени қайси ёмонлик келтирди? Кир!» деди.**

**Кириб, Шозкуниянинг олдига ўтирдим. У намоз ўқиётган экан. Қаттиқ титраб кетди. Тирноғининг учидан сочигача титради. Мен бирор оятни ўқиб ўтди шекилли, дедим. Кейин рукуъ қилди. Олдимга келиб:**

**«Сенга нима бўлди?» деди. Мен унга:**

**«Ҳой киши! Ҳорисиянинг ўғлига бизга қилмаган муомалани қияпсиз», дедим.**

**«Буни сенга биров ўргатдим?» деди.**

**«Йўқ», дедим.**

**Яна қайтариб сўради. Мен ҳам гапимни қайтардим.**

**«Ётоғингга қайт», деди.**

**Мен қайтиб кетдим. Мен, Иброҳим, Осим ва Абдуллоҳ бир ётоқхонада ётар эдик. Шу пайт биров кўрпа-тўшак кўтариб келаётганини кўриб қолдик. Қарасак, Ҳорисиянинг ўғли экан.**

**«Сенга нима бўлди?» дедик.**

**«Сен нима қилган бўлсанг, шу бўлди!» деди.**

**Нуъайм:**

**«Унга жабр бўлишидан қўрқди», деди.**

**Абдулазиз:**

**«Умар ҳовлидан узоққа чиқмас эди. Илло, Аллоҳ истаганича», деди».**

*Ҳусайн Марвазий ривоят қилган.*

Бу ривоят болаларнинг орасида адолат, эркинлик ва ҳаммаларининг бир хил вазиятда ўсиб боришларини таъминлаш муҳимлигини кўрсатади.

Баъзи ҳолатларда Умар ибн Абдулазиздек улуғ зотларда ҳам турли сабабларга кўра ушбу ривоятдагига ўхшаш нуқсонлар содир бўлиб туради. Аммо улуғларнинг улуғлиги ўзидаги нуқсонни англаб етиши билан дарҳол уни тузатишларидадир. Умар ибн Абдулазиз раҳматуллоҳи алайҳи кичик ёшдаги ўғлидан ўзининг фарзандлари орасидаги муомаласида адолатсизликка йўл қўйгани ҳақида танбеҳ ва шикоят эшитди. Аммо болага: «Бор, йўқол! Сен зумраша нимани ҳам билар эдинг!» демади. Аксинча, дарҳол нуқсонни тўғрилади.

Бундай улуғвор ишлар барчамизга ўрнак ва намуна бўлиши, барчамиз уларга амал қилишимиз лозим.

**“Соғлом бола” китобидан**